

83.3(5Уз)
Н78



А.Норбоев, Ш. Эргашева, С. Ёкубова

БАДИЙ АДАБИЁТДА ИНСОН ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАСИ

3 (5 Ўз)
Н 75




FF0000018428

83,3 (51/2)
H7B


А.Норбоев, Ш. Эргашева, С. Ёкубова

**БАДИЙ АДАБИЁТДА ИНСОН ВА ТАБИАТ
УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАСИ**

1760



0132641/12



Тошкент 2014

(12) 5.88
P24

Аннотация

Ушбу услубий қўлланмада бадий адабиёт, мақол ва иборларда табиат ва инсон уйғунлиги масаласи кўтарилган. Шунингдек, ёш авлодни табиатга нисбатан меҳр ва муҳаббатда тарбиялаш фикри адабий жанрлар орқали, инсон табиатдан айри яшай олмаслиги кўрсатиб берилган.

Муаллифлар: Норбоев А., Эргашева Ш., Ёкубова С.

Тақризчилар:

ТДПУ ўқитувчиси

ф.ф.н., Ҳамрақуллова .

ТМИ 2-сон академик лицейи ўқитувчиси

И. Орипов

Масъул муҳаррир: С.Ф.н.

Х.Жуманиёзов

Мазкур услубий қўлланма Низомий Номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқув-услубий Кенгашининг 2014 йил 16 октябрдаги 3 -сонли баённомаси қарори билан нашрга тавсия қилинган.

0871

Услубий қўлланма ИТД-2-59 рақамли грант ҳисобидан чоп этилди.

0871

ИТД-2-59

ИТД-2-59

Бугун турли муаммолар гирдоби дунёни ташвишга солаётган экан, табиатта инсоннинг таъсири ва унинг акс таъсиридан ҳимояланиш нечоғли оғир кечаётгани сир бўлмай қолди.

Бу оғирлик эса инсон ўзини табиатнинг бир қисми эканлигини ҳамон англаб етмаганида яққол кўринмоқда. Гирдобнинг улканлиги ҳам, унинг даҳшатли тус олиб ўз қомига тортиши ҳам ана шунда.

Инсонлар онги ва қалбига кенг йўл топа оладиган адабиёт ҳам табиат ва инсон уйғунлиги ғояларини илгари сурган манба ҳисобланади. Зеро ёзувчи, ҳам шоир ҳам табиат ва унинг мўжизаларидан, гўзаллигидан илҳом олади ва ўз ўқувчисига етказди.

Ушбу услубий қўлланма мактаб, академик лицей ва касб ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабаларига адабиёт фанини ўқитишда бизни опичлаб турган Она заминимиз эҳсонларини эъозлашда, халқимиз орасида минг йиллар давомида шаклланиб, гўзал кадриятларига айланиб келган табиатга нисбатан муносибатларни тарихий кўринишларини келтириб ўтиш орқали атроф-муҳитга эътиборсиз қарашини табиатга нисбатан ловайд бўлишини олдини олади деган фикрда тайёрланди.

Услубий қўлланма ИТД – 2 - 59 гранти лойиҳаси асосида тайёрланиб, унда илгари сурилган асосий ғоя - ёшларни турли кўринишга эга бўлган вазибаларига тайёрлаш ва муҳофазаланишга қаратилган. Чунки фавқулодда вазиятларга тайёргарлик кўрган киши ярим қутқарилган одам деб, бекорга айтилмайди.

Қўлингиздги ушбу услубий қўлланма кўнгил учун йўл очувчи сўз бойлиги, тафаккур тиниқлиги-ю, фикрлар кенглигини акс эттирувчи киши ҳаётини – унинг нафас олишидан тортиб, мураккаб ички кечинмаларигача кишининг кўз олдида тасаввур қилдира оладиган - адабиётда, яъни бадиий ижодиётда табиат унинг ходисаларини инсон ва унинг турмуш тарзидаги акси ҳақида: Ҳолбуки, тирикликнинг асоси ҳам, борликнинг гўзаллиги ҳам, инсониятнинг яшаб қолиши ҳам атоф-муҳитга, табиатга унда инсониятнинг тутаетган ўрни ҳамда таъсирига ҳар томонлама боғлиқ.

Зеро, шоир илҳомни табиатдан, унинг гўзаллигидан олганидек, инсон ҳам тирикликни ундан олади.

Кириш

Инсон – табиатнинг бир бўлаги. Бу инкор этиб бўлмас ҳақиқатни одамзот пайдо бўлибдики англаб, ҳис қилиб яшаган.

Адабиёт гарчи сўз санъати бўлса-да, инсон руҳиятини инкишоф этиш билан шуғулланади. Руҳият эса ўзгарувчан, бағоят рангин, мураккаб ва серқирра. Ижодкор уни кашф этишда ва тасвирлашда борлиқдаги жамики нарсага мурожаат этади.

Табиат лирикаси – табиат манзараларини тасвирланган табиатдаги гўзаликнинг киши руҳига тасир ўтказувчи ранг ва оҳанглар тараннум этилган лирик шеър. Шоирлар табиат манзараларини тасвирлаш жараёнида табиат билан инсон ўртасидаги муносабатнинг нозик нукталарига инсоннинг шу табиат фарзанди эканлигига ва бу табиатда турли воқеалар, ажойиботлар содир бўлишига этибор қаратиб, ундаги гўзалликни кўра ва сева билишни руҳий оламнинг эҳтиёжидан бири сифатида талқин этганлар.

Табиат ижодкор учун тириклик манбаи, битмас-туганмас илҳом манбаи, руҳиятнинг рангин қирраларини ёритишда восита вазифасини бажаради. Буни илк ижод намуналари – фольклорда ҳам, мумтоз адабиёт ва бугунги кунда яратилаётган асарларда кузатиш мумкин. Зеро, табиат ва инсон муаммоси ҳар қайси замонда ҳам долзарб бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Чунки табиатнинг ўзи ҳаёт ва тириклик манбаидир.

Ибтидоий одамларнинг яшаш тарзи, тирикчилик манбаи бевосита табиат билан боғлиқ эди. Қадимий анъаналар ва халқ ижодининг дастлабки намуналарида ҳам инсоннинг табиат билан нечоғлиқ боғлиқлиги, унга бўйсунгани, сиғиниши, ундаги ходисаларни ғайритабиий кучлар орқали талқин этилганлиги фикримизнинг исботидир. Ибтидоий одам табиат кучлари олдида ожизлигини англагани, қолаверса, боғлиқлигини ҳис қилгани учун унга эътиқод қўйган. Инсоннинг табиатни бўйсундиришга уриниши ўз бошига қанчалик кулфат ва фалокатлар ёғилишига сабаб бўлиши англаб етилаётган бир пайтда аждодларимиз даҳосига яна бир бор тасанно дегимиз келади. Академик Я. Ғуломов Хоразм тарихини ўрганар экан сув тошқинлари ва селни жиловлашга бўлган уриниш ўтроқ дехқончилик ҳамда қадимги ирригация маданиятини вужудга келтирганини бежизга қайд этмаган.

Она заминимиз инсониятнинг энг қадимий бешиқларидан бири бўлганлиги боис аждодларимиз бундан бир неча минг йиллар илгари суғоришга асосланган дехқончилик ҳамда чорвачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланганлар. Шу билан бирга, бу ерларда маданият ҳам бошқа ҳудудларга нисбатан анча илгари тараққий этган.

Шу сабаб аждодларимиз томонидан яратилган халқ оғзаки ижоди намуналари ва урф-одатларида уларнинг анимистик, тотемистик ва фетишистик қарашлари акс этиши бежиз эмас. Чунки табиат сирлари олдида ожизлик бу каби ўзига хос эътиқодларни вужудга келтирган. Ҳолбуки, табиатнинг турли ҳодисалари бу қарашларни шаклланишига асос бўлган десак янглишмаймиз.

Тотемизм (Шимолий Америка хиндуларининг оғибве қабиласи тилидаги «ото-тем» – «унинг уруғи» сўзидан) – ибтидоий диний эътиқодларнинг илк шаклларида бири бўлиб, кишиларнинг маълум гуруҳи билан ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турлари (баъзан табиат ҳодисалари, жонсиз нарсалар) ўртасида ғайритабиий алоқа, қон-қариндошлик бор деган эътиқодга асосланади. Туркий халқлар эса қуёш, сув, оловга топинганлар, бўри, от, ит каби баъзи ҳайвонларга эътиқод қўйганлар.

Кўк ёл бўри ва ўғуз ўғли ҳикояси

Қолаверса, қадимий байрам – Наврўз билан боғлиқ афсоналарда ҳам бўрига эътиқод қўйилгани, яъни Ўғуз ўғли кўк ёлли бўри билан учрашган кунни ҳар йили байрам сифатида нишонлагани эътироф этилади. Афсонада айтилишича, “туркларнинг улуг аждоди Ўғуз ўғли ёрда яшар, қишдан қаттиқ кўрқар ва шу боисдан унга ойлаб озиқ ҳозирлаб тайёргарлик кўрар экан. Бир йили қиш қаттиқ келиб, Ўғуз ўғлининг жамгарган озиғи етмай қолибди. У озиқ-овқат топишга мажбур бўлиб ёрдан чиқиб қарасаки, қуёш чиқиб ҳаво илиган. Йўлда бораётса, олдидан бир кўк ёл бўри чиқиб қолибди:

– Ўғуз ўғли, бу илиқулди кунда қаёққа кетаётисан? Йўл бўлсин? – деб сўрабди бўри.

Ўғуз ўғли егулик қидириб кетаётганини айтибди. Шунда бўри дебди:

– Фалон жойга борсанг, бир сурув қўй, бир боғ бугдой, бир тегирмон ва бир чарх бор. Шуларнинг бари сеники. Қўйларни боқиб кўпайтирасан, жунини чархда йигириб, ўзингга кийимлик мато тўқийсан, бугдой донларини ерга сочсанг, нонли бўласан.

Ўғуз ўғли бўри айтган жойга бориб қараса, чиндан ҳам ўша нарсаларнинг ҳаммаси турган эмиш. Ўғуз ўғли қўй боқшни, бугдой экиб дехқончилик қилишни, ип йигириб, ўзига кийим тикишни ўрганибди. Ҳаёти фаровон бўлиб кетибди. Шу боис Бўри билан учрашган кунини ҳар йили байрам қиладиган бўлибди. Бу қаҳратон қишдан қутилиб, баҳорга етишган куни экан”¹.

Ўзбек халқ эртақлари ёки дostonларида қаҳрамонларнинг тақдири кўпинча унинг отига ёки қушларга боғлиқ бўлади. Қаҳрамон иложсиз қолганида, оти ёки сеҳрли жонзотлар унга ёрдамга келади. Масалан,

¹ Наврўз. Услубий қўлланма (Тўплаб, нашрга тайёрловчи Г.Ибрагимова). – Т., 2010. – Б. 57.

«Алпомиш» достонида Алпомишни чоҳдан оти Бойчибор кутқаради. “Чўлок бўри”, “Бўри қиз” эртақларини эса бўри тотеми билан боғлиқ эртақлар сирасига киради.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги кунда ҳам халқимиз орасида бўри тиши ёки тирноғини тумор сифатида тақиб юриш, уйда бўри терисини асраш каби ҳолларни учратиш мумкин. У эса кишига омад ва бахт, бойлик ва тўқинлик олиб келади деб, қаралади.

Халқ кўшиқларида табиат мавзуси

Инсон ва табиат уйғунлиги масаласи қадимги кўшиқларда, маросим фольклорида ҳам ўз тажассумини топган. XI асрда яшаб ижод этган машҳур Махмуд Кошғарий «Девону луғотит-турк» асарида Хитойдан Хоразмга қадар бўлган ҳудудларда яшаган уруғ ва қабилаларнинг тилини ўрганиш асносида афсона, мақол ва кўшиқларни ҳам тўплайди. Асарда асосан овчилик, чорвачилик, мавсум-маросим ва қахрамонлик кўшиқлари келтирилган. Бу кўшиқларда табиат билан боғлиқ уй-кечинмаларга алоҳида урғу берилганига гувоҳ бўлиш мумкин.

«Девон»даги кўшиқларда халқнинг ҳаёт тажрибалари, баҳор, ёз, киш фасллари, табиат ҳодисалари билан боғлиқ руҳий кечинмалари акс этган. Ўзбек адабиётидаги мунозара жанрига оид илк асар – “Қиш билан Ёз” мунозарасининг айнан мана шу асарда келтирилиши бежиз эмас.

Мавсум билан боғлиқ кўшиқларда одамларга хос хусусиятларни табиат ҳодисаларига боғлаб талқин қилиш усуллари кўзга ташланади. Ўтмишда аждодларимиз ўзларини табиатнинг шунчалик ажралмас бир қисми сифатида билишганки, ҳатто йил фаслларида ҳам инсонга хос жон, яхши ва ёмон хусусиятлар бор, деб тасаввур қилинган. Шунинг учун ҳам киш мавсумида халқнинг маъносилги ва зорланиши, ёз мавсуми талқинида эса шодлик ва хушнудлик кайфиятлари сезилиб туради. Бу хилдаги кўшиқларда қиш ва ёз жонлантирилади, бир-бирига зид кўйилади, улар тасвирида яхши-ёмон хусусиятлар таъкидланади:

Қиш ёй била тўқушти,
Қинир кўзунуғ бақишти,
Тутушқали яқишти,
Утғалимат ўғрашур.

Мазмуни:

Ёз билан қиш тўқнашди,
Қингир кўзла боқишди,
Бир-бирини тутушга интилишди,
Бир-бирини ютишга тиришишди.

Қиш билан ёз ўзаро мунозара қилиб, улардан ҳар бири ўз фазилати билан мақтаниб, рақибини камситади:

Қиш ёйғиру сувланур,
Эр ат манин явруюр,
Иклар ема савруюр,
Ат йин тақи тағришур.
Санда кўпар чазанлар,
Кўзгу сингак, йиланлар,
Дук минг кую туманлар,
Кузрук тикриб югрушар.

Мазмуни:

Қиш ёз билан тортишур,
Эр от менда ортишур,
Касалликлар қайгишур,
Куч-куватга тўларлар.
Сенда барча ёмонлар,
Чивин, пашша, илонлар,
Думи гажак чаёнлар,
Хамла қилиб югурушур

Шу ўринда ўқитувчи ёзнинг ажойиб фазилатларини айтиб ўтиши билан бирга жойларда тўпланиб қолган ҳар хил чиқиндилар иссиқ пайтида турли хил юқумли инфекцияларни пайдо бўлиши билан бирга, уларни ташувчи чивин ва пашшаларни кўпайишига сабаб бўлишини айтиб, табиатта эътиборли бўлишига ургу берса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ҳолбуки, аجدодларимиз тоза ва озодаликка алоҳида эътибор берганлар, саришта ва саранжом жойларни фариштали-файзли гўша, деб билганлар. Шунингдек, инсоннинг бу каби одатларини дил ва фикр поклиги билан боғлаб ҳам тушунтирганлар.

Ўз навбатида, ёз ҳам қишнинг камчиликларини айтиб, ўз фазилатлари билан мақтанади:

Балчик балиқ югурулулур,
Жигой ёвуз йиғрилулур,
Арингаклари ўғрулулур,
Ўзгуч била овришур.
Санда кочар сундилач,
Манда тинар карғилач,
Татмағ ўтар сундувач,
Эркак тиши учрашур.

Мазмуни:

Балчиқ ҳамма ёқни қоплайди,
Камбағал, юнунлар қийналади
Бармоқлари совқотиб
Оғиз ели билан иситадилар.
Сендан саъвалар кетар,
Менда қалдирғоч тинар,
Булбуллар сайраб қўнар,
Нару мода учрашар.

Ёз ва қиш фаслининг ўзига хос иклимий ўзгаришлари оқибатида одамларга келтираётган қийинчиликлари, ҳамма томонни қор, балчиқ қоплаши, одамларни совуқдан қийналиши, қушларнинг кетиб қолишини айтар экан, ўқитувчининг бу борадаги илмий асосдаги фикри ва уни ўқувчига изоҳлай бера олиши муҳим ўрин эгаллайди.

Мазкур кўшиқларда хаёлий дунёқараш билан бир қаторда ҳаёт ва инсон улуғланади, ҳар бир фаслнинг ўзига хос хусусияти ёрқин лавҳаларда очиб берилади. Халқимиз азалдан баҳорни яхши кўриб, уни қувноқлик билан кутиб олган. Чунки у тириклик ва ризқ-рўз рамзи сифатида гавдаланган. Баҳор келиши билан табиатда содир бўладиган уйғониш, теварак-атрофнинг кўм-кўк майсалар билан қопланиши, гуллар очилиши рутубатли совуқ қиш кунларидан қутилган кишиларда завқ-шавқ уйғотади.

Турли чечак ярилди,
Барчин язим қарилди,
Учмоқ яри кўрулди,
Тумлуғ яна калгусуз.

Мазмуни:

Турли чечаклар очилди,
Ер юзи кўк гиламларга бурқалди.
Жаннат ери кўринди,
Совуқ қайтмас бўлиб кетди.

Қадимги инсонларнинг кўкламни хуш-хандон кутиб олиши бежиз эмас. Совуқ кунларда жон сақлаш, озиқ-овқат, иссиқ жой ва кийим бош топиш муаммоси одамларни баҳорни интиқиб кутишга, унинг келишини байрам сифатида қарши олишга ундаган.

Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарида табиат тараннуми

XIII аср охири XIV аср бошларида яшаб ижод этган Рабғузийнинг 72 киссадан иборат “Қисаси Рабғузий” (“Қисаси анбиё ва ҳукамо”) асари

машхурдир. Ушбу асарнинг “Нух пайғамбар қисаси”да барчамизга маълум бўлган ходиса - дунёни сув босиши, динсизлар пайғамбар даъватига кулоқ солмасдан охир оқибат худонинг қаҳрига учрайдилар. Ижодкор бу воқеани маҳорат билан бадий тарзда баён этади. Табиатда учрайдиган турли ходисалар бадий адабиётни бойитиш учун хизмат қилишини кўрсатган. Бу қиссанинг асосан сув тўфони билан боғлиқ ўринлари ҳиссий таъсирчанлик билан ёзилган. Ижодкор бу қиссада табиатнинг усутворлигини кўрсатиб ўтган. Шунингдек, асарнинг “Қисаси Юсуф Сиддик алайҳис-салом” қиссада Баҳорни, Наврўзни мадҳ этувчи куйидаги шеър бор. Мазкур шеърда ҳам лирик қаҳрамоннинг кўтаринки кайфиятига кўламнинг келиши, табиатнинг уйғониши, ундаги беадад гўзалликлар туртки бўлади.

Кун ҳамалга кирди эрса келди олам наврўзи,
Кечди баҳман замҳарир қиш қолмади кори бузи.

Кун келу минг кўрки ортиб тирилур ўлмиш жаҳон,
Тонг бадизлаб нақши бирла безанур бу ер юзи.

Тонг отарди эснаюр тўрт булунгдин шамол, зиё,
Кин тузар киндик йипор йизланур ёбон ёзи.

Ёрлиги епгун – бағридин обуғи ёшил, қизил,
Ораси буток, ябурғок, тол чечаклар туб тузи.

Ўрласа булутлари гулчираб боғу бўстон,
Тол йиғочлар енг солишур ўйнаюртек кўй-кўзи.

Киршани қор қани энглик бокса тоғлар сурати,
Тўнлиқи тангсук йипордин Рум хитой, атлас, чузи.

Лола сағрокин ичарда сайрар усруб сандувоч.
Турна ун тортиб ўтарда сакрашур бақлан кўзи.

Кўкда ўйнар кўл солишур куғу қоз қил қарғулоч,
Ерда югруб жуфт олишур ос, тийинг, киш, кундузи.

Тол йиғочлар минбаринда тўти қуш мажлис тутар,
Қумри, булбул муқри бўлуб ун тузар тун кундузи.

Яғиз ер, кўк менгизлик яшнаюр майдон бўлуб,
Оғрушим ойтак чечаклар теграсинда юлдузи.

Хури ин ужмоҳ ичинда энг солиб таҳсин килур,
Ёз уза мундоғ ғазаллар аймишда Носир Рабғузий¹.

Рабғузийнинг ушбу асарида ёзилган бу мисраларда табиатнинг келинчак фасли бўлмиш баҳорнинг ўз сепи билан кириб келишини тасвирлар экан, бу сеп одамларга ризк-рўз улашиб, кайфиятда қувноклик ва хўш кайфият бериб кириб келаётганини тараннум этаётганлигини англаб олиш қийин эмас. Ўқитувчининг шеър моҳиятини янада соддарок, табиатга боғлаб тушунтира олиши ундан нафақат маҳоратнигини эмас, балки табиат ва унинг кишилиқ оламига таъсир этувчи бошқа омилларини ҳам билишни талаб этади.

Маросим фольклори ва табиат

Халқимиз орасида ўтмишдан шаклланиб келган маросимлар ва байрамларда ҳам инсон ва табиат орасидаги ўзаро муносабат, бир бутунлик тарзида ўз аксини топган.

Маросим фольклори икки катта туркумга – мавсумий маросимлар фольклори ҳамда оилавий-маиший маросимлар фольклорига ажратади².

Халқимиз томонидан нишонланадиган мавсумий маросимлар йилнинг тўрт фаслига оид халқнинг яшаш ва меҳнат тарзи билан боғлиқ. Қиш фаслида одамларнинг дам олиши, узун кечаларни мазмунли ўтказиши билан алоқадор маросимлар уюштирилган бўлса, баҳор мавсуми билан боғлиқ маросимлар кишиларнинг меҳнат фаолияти ва табиатнинг уйғониши билан бевосита алоқадордир. Бу мавсумда деҳқончилик ва чорвачилик билан боғлиқ юмушлар кўпаяди. Деҳқон экин-тикин ишларини бошлаسا, чўпон сурувини яйловларга кўчириш тадоригига тушади.

Табиат ва инсон муштараклигини ўзида ёрқин акс эттирувчи энг қадимий байрамлардан бири Наврўздир.

Наврўз нафақат табиатнинг уйғониши билан боғлиқ байрам, балки эзгу ниятлар ва амалларни ўзида акс эттирувчи қадрият ҳамдир. Наврўз кунларида ҳатто уруш-жанжалларнинг тўхтатилгани, кун ва туннинг тенглигига тўғри келган. Гина-қудуратларнинг унутилгани, аразлашганлар ярашгани, бева-бечораларга меҳр-мурувват кўрсатилгани бунинг ёрқин исботидир. Бу ҳам табиатга нисбатан аждодларимиз томонидан билдирилган ўзига хос ҳурмат бўлса, ажаб эмас.

¹ Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи, 1990. – Б.103-104.

² Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фаъ, 1986. – Б. 30.

Абу Райҳон Беруний «Осор ал-боқия» («Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар») асарида шундай баён қилади: “Аббосийлар халифаси ал-Маъмун (810-833 йилларда подшолик қилган) ўзининг яқин кишилари бўлмиш Али ибн Мусо ар-Ризодан «Наврўз нима?» деб сўраганда, у: «Наврўз фаришталар улуғлаган кундир, чунки улар шу кунда яратилганлар, уни пайғамбарлар ҳам улуғ тутганлар, чунки Куёш шу кунда яратилган, у замоннинг биринчи кунидир»¹, деган.

Хавашяликларнинг айтишича, Сулаймон подшоҳнинг узуги йўқолган кун подшоҳлиги ҳам қўлидан кетган. Қирқ кундан кейин узуги топилгач, подшоҳлиги ҳам, равнақи ҳам қайтиб келган. Подшоҳлар унинг хузурига тўпланадилар. Шунда эронликлар «Наврўз омад», яъни “Янги кун келди» деганлар. Натижада шу кун Наврўз деб аталади.

Баҳор фаслининг кириб келишини кутиб олишга тааллуқли бўлган барча урф-одатлар орасида Наврўз мазмун-моҳиятига кўра алоҳида ўрин тутади. Наврўз кишиларни табиатга яқинлаштирган, инсон ва табиат ўртасидаги узвий алоқадорликни акс эттирган ажойиб ва ноёб маданий-маънавий меросдир.

Куёш айни шу кунни ҳаётбахш нурларини тик, яъни 90 даража бурчак ҳосил қилиб, сайёрамиз белбоғи – экваторга йўналтиради. Шу кунни кеча-кундуз тенглашади, табиат уйғониб, дала-даштларни, қир-адирларни ўт-ўланлар – яшил гиламга буркайди... Бободехқон Наврўз келиши муносабати билан ерга меҳр ишлов беришга киришган; чўпон сурувини яйловга ҳайдаган; боғбон дов-дарахтлар парваришига киришган...

Наврўз фақат шод-хуррамлик кунни, байрам эмас. У халқимизнинг она заминга бўлган муносабати, ундан эҳтиёткорона, тўғри ва мақсадли фойдаланиш, эъзозлаш, ҳосилдор ерлар сифатини, экологик ҳолати, унумдорлигини сақлаш ва ошириш, кишиларда табиат ва у барпо этган эҳсонларга муҳаббат билан муносабатда бўлиш кераклигини уқтирган, тарғиб этган.

Мунажжимлар Наврўзнинг илк кунни ҳафтанинг қайси кунига тўғри келишига қараб кутилаётган йилнинг қандай келишини, об-ҳавосини башорат қилганлар. Кўпни кўрган кексалар эса янги мавсум режаларини тузиб, намгарчиликка, об-ҳавога қараб, қайси ер майдонига қандай экин экиш, сувни қандай тақсимлаш ва уни тежаб-тергаб ишлатиш, қайси кундан бошлаб ерни ҳайдаш, чигит кадаш, от-улов, омонларни мавсумга ҳозирлаш каби масалалар хусусида кенгашиб, маслаҳатлашиб олганлар.

Наврўз кунларида ерларни шудгорлаш, экин экиш билан боғлиқ ҳолда «Кўш кўшиш», «Кўш оши» «Биринчи чигит» («Экин сайли») каби кўплаб халқ удумлари пайдо бўлган.

¹Наврўз. Услубий қўллама. (Тўплаб, нашрга тайёрловчи Г.Ибрагимова). – Т., 2010. – Б. 46.

Баҳор фаслида ўтказилган «Лой тутиш», «Шох мойлар», «Суст хотин» каби маросимлар ҳам ўзида табиат ва инсон уйғунлигини, меҳр-оқибат ва баҳамжихатликни улуғлаган.

“Лой тутиш” маросими халқимизга хос баҳамжихатлик ва меҳр-оқибатни ўзида ифодаловчи маросимдир. Маълумки, аждодларимиз оғир ва машаққатли ишларни ҳашар йўли билан, кўпчиликнинг бошини қовуштириб, биргалашиб бажарганлар. Илк баҳорда сув йўлларини очиш, ариқ ва зовурларни тозалаш ишлари ҳам ҳашар йўли билан амалга оширилган. Ҳашарчилар ёнидан унда иштирок этмаётган одам ўтиб қолгудек бўлса, унга белкуракда лой тутишган. Бундан мақсад ҳашарда ҳамма иштирок этиб, хайрли ишга ўз хиссасини қўшин. Шунинг учун ҳам лой тутилган йўловчи ўзига ажратилган ишни бажариб, кейин яна йўлига равона бўлган. Ҳашарчилар ёнидан ўтаётган киши ижодкор ёки санъаткор бўлса, ўз санъатидан уларни баҳраманд этиб, руҳини кўтарган кишиларнинг оғир меҳнатини енгиллатишга ёрдам берган. Ҳунарманд бўлса, ҳашарчиларнинг иш қуролларини созлаб, тузатиб берган.

Шу ўринда бундай маросимлар нима учун кеч куз ва ерта баҳорда ўтказилганлигини ўқитувчи тушунтириб берса, дарс самараси янада ортади. Чунки, сув йўлларини тозалаш ишлари ўзига хос даврни талаб қилган. Бундай ишлар одатда кеч куз ҳамда эрта баҳор пайтида амалга оширилган. Ариқ, канал ва зовурлардан чиққан чиқинди уюмлари қор остига қолиши, баҳорда эса бу уюмлар янада кейинроқ қолиши мумкин бўлган совуқ остида қолиши керак бўлган. Бу эса турли инфекциялар пайдо бўлишининг олдини олган, иккинчидан, сув тошқини ва селларни аҳоли яшаётган ва деҳқончилик учун жой тайёрлаб қўйган ҳудудларига зарар етказмасдан ўтказиб юборишни таъминлаган. Ҳолбуки, бундай ишлар ёгин-сочинли кунлар бошланишидан, яъни, қорлар тўла эриб бўлгач, баҳор ёмғирларидан илгари ўтказилган.

“Суст хотин” инсоннинг табиат билан ўзаро мулоқоти, унга топиниши ва ундан мадад кутишини акс эттирган маросимдир. Лалмикор деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланган аждодларимиз ҳаётида баҳор ҳамда ёзнинг илк ойларида ёғадиган ёмғирларга эҳтиёж жуда катта бўлган. Бугунги кунда жуда кўплаб халқлар қурғоқчиликдан азият чекаётган, боғ-роғлар саҳроларга жой бўшатиб бераётгани дунё халқларини ташвишга солаётган бир пайтда бу каби маросимлар ўз кадрини янада оширади. Айниқса, қурғоқчилик ҳукм суриб, кашшоқлик даражаси ортиб бораётган ҳудудларда суъний ёмғир ёғдириш ғояси илгари сурилаётган даврда аждодларимизнинг бундай асоратдан сақланиш учун олиб борган сай-ҳаракатлари ҳамда уларни ўзига хос анъанага айланиб қолиши боболаримизнинг турмушида бундай хавфлар ҳам мавжуд бўлганлигидан далолат беради. Ёгингарчилик бўлмаган ойларида экин-тикин,

умуман, деҳқончилик хавф остида қолган. Мана шундай қурғоқчиликларнинг олдини олиш мақсадида кишилар “Суст хотин”, “Сув хотин”, “Сут хотин”, “Чала хотин” каби махсус маросимларни ўтказганлар. Бу маросим айниқса, Жиззах, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида кенг тарқалган. Маросим белгиланган кун ўн-ўн беш аёл махсус ясалган қўғирчоққа қари аёлнинг кўйлагини кийдириб, бир аёл уни кўтариб олади, қолганлари унинг ортидан эргшиб, кишлоқ хонадонларига «Суст хотин» кўшигини айтиб бирма-бир кириб чиқади.

Суст хотин, султон хотин,

Кўланкаси майдон хотин.

Ҳаво ёғмас бўлама, Суст хотин,

Томчи томмас бўлама, Суст хотин,

Етмишдаги кампирни, Суст хотин,

Сел опкетмас бўлама, Суст хотин.

Хонадон эгалари маросим иштирокчиларини мамнуният билан қаршилаб, қўғирчоқ устидан сув сепади ва хайр-эҳсонлар қилади. Маросим чоғида куйлананган кўшиқда ҳам эзгу орзу-ниятлар, мақсадлар мужассам бўлиб, юртга, ҳар бир хонадонга бахт-саодат, мўл-кўлчилик ва фаровонлик тиланади. Суст хотин ёмғир ёғдирса, ҳосил мўл бўлиб, деҳқоннинг уйи тўлиши, деҳқоннинг экан-тикени баракали бўлса, халқ дастурхони тўкин бўлиши таъкидланади:

Ҳосиллар мўл бўлсин, Суст хотин,

Деҳқоннинг уйи тўлсин, Суст хотин.

Ёмғирларни ёғдиргин, Суст хотин,

Ёмоннинг уйи куйсин, Суст хотин...

Осмондан томчи ташлаб, Суст хотин,

Элу юртни тўйдиргин, Суст хотин.

Ёмғир чақириш маросими ва кўшиғи Бухоро вилоятининг Қорақўл ва Олоғ туманларида «Чала хотин» деб номланган. Бунда ҳам худди “Суст хотин” маросимига ўхшаган ҳатти-ҳаракатлар амалга оширилиб, “Чала хотин” кўшиғи айтилади ва тангридан оби раҳмат ато этишни илтижо қилишади:

Айланади Чала хотин,

Ўргилади Чала хотин.

Онамнинг тўнғичиман,

Қозоннинг кирғичиман.

Ёмғирнинг ётғичиман,

Худо берса, оби раҳмат ёғаверсин.

Айланади чала хотин,

Ўргилади чала хотин.

Чой момо. Ота-боболаримиз ёз фаслида ҳам бир қанча маросимлар ўтказиб келганлар. Ёз ойлари - бошоқли экинлар айна етилган, мевалар гарк пишган маҳалда сурункали қаттиқ шамоллар бўлиб турган. Яъни шамол мавсуми бошланиб, етилган ҳосил - одамларнинг ризқ-рўзи нобуд бўлган. Мана шундай пайтларда қадим аجدодларимиз шамолни тўхтатиш мақсадида «Чой момо» маросимини ўтказганлар.

Чой момо – шамол она маъносини аниқлаган. Қадимги туркий халқларда шамол ҳомийси кекса аёл сифатида тасаввур қилинган.

Унда қари иккита кампир эски уст - бош кийиб, юзларига қорақуя суртиб, кўлларига ҳасса олиб, биттадан калтакни от қилиб миниб “Чой момо” кўшигини айтиб, кишлоқ кўчалари бўйлаб юришган. Уларнинг кетидан бошларига қизил шолча ёпинган бешта қиз кўшиққа жўр бўлиб боришган:

Чой момо, Чой момо,

Чой момоси ўлибди.

Ўғли етим қолибди,

Боса-боса беринглар.

Босилиб қолсин бу шамол,

Уча-уча беринглар.

Училиб қолсин бу шамол,

Обло-ху, Обло-ху.

Маросим давомида бошига қизил шолча ёпан бешта қиз аслида шамол она ҳақиға қурбонлик қилишга аталган гуноҳкор кизларнинг рамзий ифодаси бўлган. “Чой момо” маросимига йиғилган хайр-эҳсон ҳисобидан шамол она ҳақиға хайр-худоий қилиб, ис чиқариш билан яқунланган.

Ёз бўйи минг машаққатлар билан етиштирилган ҳосил – бугдойни ўриб олиш деҳқонлар ҳаётида энг масъулиятли иш бўлиб, бу жараён кўпинча ҳашар йўли билан амалга оширилган. Ёзда сурункали шамоллар бошоқли экинлар ва

меваларни тўкиб зарар етказса, куз фаслида эса ғаллачилик билан шуғулланувчи аҳоли учун шамол айни муддао бўлган. Она табиат баъзан кераксиз пайтда шамол ҳадя этиб, зарур бўлганда уни раво кўрмаслиги мумкин. Хирмонда янчилган донни сомонидан ажратиб олиш вақтида шамол нихоятда зарур бўлган. Шундай пайтларда кишилар шамол ҳомийсига илтижо қилиб, шамол чакириш маросимини ўтказганлар. Маросим пайтида куйидаги қўшиқ ижро этилган:

Ҳайдар, ота-онанг ўлибди,

Моли сенга қолибди.

Боланг сувга оқибди,

Шамолингни қўйвор.

Қўшиқда шамол ҳомийси сифатида Ҳайдар – Ҳазрат Али шахсига мурожаат қилинган. Афсоналарга кўра Ҳайдар ўзининг бекиёс куч-қудрати билан бирга табиат ҳодисаларини ҳам ҳам ўз измида сақлар экан. Унга шу тарзда мурожаат қилинганда эса тутиб турган шамолини қўйиб юборар эмиш.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, аждодларимиз табиатни бемисл куч-қудратини тан олганлар ва унга мурожаат қилиш орқали ундан мадад кутганлар.

Мумтоз адабиётда табиат тасвири

Табиат тасвири ва ундаги воқеа-ҳодисалардан мумтоз адабиётимиз намояндлари ҳам унумли фойдаланганлар. Юқорида таъкилланидиган Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит-турк”да табиат тасвири билан боғлиқ қўшиқлардан намуналар келтирган бўлса, Рабғузий баҳорни мадҳ этувчи ғазал битган.

Шоир аҳли йўқки, табиатга, унинг ҳодисаларига мурожаат қилмаса, улар орқали инсон руҳиятини инкишоф этмаса. Буни биз мумтоз адабиётимиз вакиллари ижодида ҳам, замонавий шеъримиз намояндлари асарларида ҳам кўришимиз мумкин. Зеро, табиат – сўз санъатининг илҳом ва тасвир манбаи. Бу ҳам инсон ҳеч қачон табиатсиз мавжуд бўлолмаслигини, унга боғлиқ эканлигининг ёрқин тасдиғидир.

XIV аср адабиётининг нодир намунаси бўлган ва кўп йиллар Лутфийга нисбат бериб келинган Ҳайдар Хоразмийнинг “Гул ва Наврўз” дostonида табиатга муносабат бўртиб кўринади. Гарчи асар қахрамонлари худудида Наврўзнинг севги саргузаштлари орқали Ўрта Осиё ва Хуросон кудудида ўз даври учун муҳим бўлган марказлашган давлат тузиш ғоясини илгарини сурилган, урушлар кескин қораланган бўлса-да, муаллиф ҳар бир образга табиат билан боғлиқ ҳолда рамзий маънолар юклайди. Яъни бошқача қилиб айтганда,

достонда табий борлиқ мажоз усулида инсонлар дунёсига кўчиб, олам ва одам бирлигидан иборат улугворлик ғояси илгари сурилади.

Асардаги Наврўз, Гул, Булбул, Ялдо, Савсан ва бошқа образларнинг ҳар бири маълум бир рамзга эга. Баҳор – ишқ-муҳаббат ва гўзаллик фасли, Наврўз эса унга ҳамоҳанг тарзда яшариш ва меҳр-окибат байрами ҳисобланади. Бадиий адабиётда Хайдар Хоразмийга қадар ҳам Наврўз билан боғлиқ асарлар, мадҳиялар яратилган. Умар Хайёмнинг «Наврўзнома», Ҳожи Кирмонийнинг «Наврўз ва Гул» асарлари шулар жумласидандир.

Достонда Наврўз Навшод эли шоҳи Фаррухнинг ўғли, ҳар томонлама етук ва баркамол инсон сифатида тасвирланади. У Фархор эли маликаси бўлмиш Гулни тушида кўриб, севиб қолади ва унинг васлига эришиш мақсадида йўлга тушади. Бир-бирини қидириб йўлга тушган ошиқ-маъшуклар денгизда тўфонга учраб турли мамлакатларга бориб қоладилар ва ғаройиб саргузаштларни, қийинчиликларни бошдан кечирадилар. Асар сўнгида тўрт мамлакат Гул ва Наврўз туфайли бирлашиб, юртда тинчлик ва хотиржамлик ҳукм суради.

Асарда Ялдойи Занги, Шайх Наждий, одамхўр дев каби салбий образлар бор. Ялдо – ёвуз, хунхор, ичиб қон қонмағучи, ўзи ялдо тундек қоп-қора. Қаҳратон кишининг энг узун ва совуқ туни халқ орасида ялдо деб аталган. Шу боис достонда Ялдо салбий образ сифатида тасвирланади.

Алишер Навоий асарларида табиат ва инсон уйғунлиги масаласи

Мир Алишер Навоий ҳазратларининг ижодида ҳам табиат ва унинг гузаллиги етакчи ўрин эгаллайди. Ул зот ижодида баҳор – севиғи ва муҳаббат, ишқ ва гўзаллик фасли сифатида тараннум этилса, куз – ҳазон фасли кўп ўринларда ишқ, хижрон, соғинч, изтироб кайфиятини ифодалайди. Кексалик – умр шоми эса кўпинча эса қиш мисолида берилади. Ушбу фикрнинг тасдиғини Алишер Навоийнинг “Ҳазойин ул маоний” (“Маънолар хазинаси”) куллиёти мисолида ҳам кўриш мумкин. 4 та девондан ташкил топган ушбу куллиётдаги шеърларни даврлаштиришда ва уларни тасниф этишда буюк мутафаккир дўсти ва устози Абдурахмон Жомий маслаҳатига биноан иш кўрганлиги маълум. Шоир ҳар бир девонни инсон умрининг муайян даврига мос келадиган ном билан атайди.

Биринчи девонни “Ғаройиб ус-сиғар” (“Ёшлик ажойиботлари”) деб деб номлаб, бунга туфлият (ёшлик), яъни 8-20 ёшгача бўлган шеърларини киритади.

Иккинчи девон “Наводир уш-шабоб” (“Йигитлик нодирликлари”) деб номланган бўлиб, 20-35 ёшлар умрининг шабоб (йигитлик) айёми ҳисобланади.

35-45 ёшгача бўлган даврни шоир умр фаслининг кузи, тириклик боғининг хазонрезгиси дея айтайди. Бу даврга оид шеърларни “Бадоеъ ул-васат” (“Ўрта ёш гўзалликлари”) девонига жамлайди.

45-60 ёшлар кексалик даври ҳисобланиб, шоир уни умр фаслининг киши сифатида эътироф этади ҳамда бу даврга оид шеърларини “Фавойид ул-кибар” (“Кексалик фойдалари”) девонига киритади.

Бундан ташқари, Навоийнинг буюк асари – “Хамса” таркибига кирган дostonларда ҳам табиат ва инсон муаммосини асар марказига қўяди ва уларни ўзаро муштарақликда тасвирлайди. Шоир инсон табиат фарзанди экани, ундан айро яшай олмаслигини баралла эътироф этади. Шоир асарларида ҳаёт ва табиат инсонга яшаш учун куч берувчи, турмушига маъно-мазмун бағишловчи ва руҳини поклантирувчи восита сифатида куйланади. Қолаверса, инсон ҳар қандай вазиятда, шодлигу ғамда ҳам, қувончу шодликда ҳам, ишқ шаробидан маст бўлганда ҳам табиатга мурожаат этиши, ундан хайрат ва таскин топиши Навоий асарларининг мазмунига сингдирилган.

“Хамса”нинг фалсафий-ахлоқий-таълимий характердаги илк достони “Хайрат ул-аброр”да шоир фаласуф, мутафаккир ва мураббий сифатида инсон, табиат ва борлик ҳақидаги қарашларини илгари сурган. Бу бежиз эмас албатта.

Достонда оламнинг, оламларнинг яралиши, табиат дунёси, унинг бағрида ҳаёт ва нашъу намо тоғувчи наботот, ҳайвонот олами, айнан, инсон, унинг олий мавжудот эканлиги, хулқи, одоби, эзгу ишлари, шунингдек, жаҳолату-қабохати, ҳаёт, унинг турли-туман воқеа-ҳодисалари ҳақидаги қарашлар, умумлашма хулосалар китобхонни чуқур ўйлашга ва уларнинг моҳиятини теран англашга даъват этади. Аллоҳ иродаси ила ер, кўк, ой, куёш, юлдузлар, кеча, кундуз ва бошқа нарсалар бекаму кўст яратилди. Шу тариқа тирик мавжудот, инсон учун мукамал ҳаёт тарзи, унинг манбаи – табиат яралди. Демакки, Аллоҳ табиатни жамики мавжудот, асосан инсон учун яратган экан, уни кадрламоқ, эъзозламоқ инсон учун ҳам фарз, ҳам қарзидир, деган фикр илагри сурилади..


Алишер Навоий исломий таълимотдан келиб чиққан ҳолда ер юзидаги жамики нарсалар, шу жумладан, табиат ҳам инсон учун яратилганини таъкидлар экан:

Борчасини гарчи латиф айладинг,

Борчадин инсонни шариф айладинг.

деб ёзади. Оламда инсондан азиз ва муқаррам зот йўқ экан, ўз навбатида, инсон ҳам шундай неъматларга муносиб бўлиши, уларни кадрлаши лозим.

¹Ойбек. Навоий гулшани. – Т., Фан, 1967. – Б. 73.



Алишер Навоий асарларида инсон ва уни қуршаб турган табиат ўйғунлиги маҳорат билан илгари сурилган. Уни келажак авлодларга гўзал қолдирмоқ инсон учун ҳам фарз, ҳам қарз деб ҳисоблаган. Шу боис у ўз маблаглари эвазига кўприклар қуриб, йўллар солдирган, каналлар қаздириб, юрт ободончилиги учун хизмат қилган.

Табиат ҳодисалари билан боғлиқ воқеликни “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам кўриш мумкин. Қаттиқ бетоб бўлган Фарҳод ҳаво алмаштириш мақсадида денгиз сафарига чиқиш ва совуқ иқлимли оролда бир неча кун дам олишни маслаҳат берадилар. Бу гап фарзанди соғлиғидан ташвишга тушган ҳоконга маъқул келади ва уч юз элликта кема ҳамда мингтача қайиқ билан йўлга тушадилар. Икки кеча-кундуз юрилганидан кейин денгизда шундай шамол турадики, кексалар бундай бало ҳар юз йилда бир содир бўлишини айтадилар. Шоҳ ва шахзодани саклаб қолиш учун алоҳида қайиққа ўтказмоқчи бўладилар. Фарҳод энди ўтганида шамол у тушган қайиқни суриб кетади. Кемалар парча-парча бўлади, ҳоконнинг кемаси эса бир амаллаб қирғоққа етиб келади. Фарҳод тушган қайиқ бўлакланиб, унинг ўзи бир парча тахта устида амаллаб жон саклаб қолади.

Навоий Фарҳод тимсолида комил инсон ғоясини тараннум этган. Шу боис у барча нарсага, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга комиллик даражасидан туриб нигоҳ ташлайди. Ўз навбатида табиат ҳам унга хайрихоҳ бўлади. Ҳийлагар кампир ёлғондан Шириннинг ўлими ҳақидаги хабар келтирганда Фарҳод бошини тоғу тошларга уриб йиғлайди. Унинг ҳолини кўриб тоғ билан водий ҳам мажнунвор йиғлайди. Ёрсиз яшаши мумкин эмаслигини, умри поёнлаб қолганини билган Фарҳод ўткинчи дунёнинг ўзи билан боғлиқ барча жиҳатлари – сахро, водий, тоғ, осмон, метин, теша, атрофидаги паррандалару даррандалар билан видолашади, уларга берган азоблари учун узр сўрайди, ҳамдард, ҳамнафас бўлганлари учун уларга миннатдорчилик билдиради. Ўз дўстларига васиятини ҳам инсон зотига эмас, балки боди сабога ишонади.

“Лайли ва Мажнун” достонида Қайсининг Лайли ишқида сахрога чиқиб кетиши, ваҳший ҳайвонлар билан дўст тутиниши ҳам Навоийнинг инсон ва табиат муаммоларига ўзига хос ёндашувидир. Аслида Мажнуннинг сахрога чиқиб кетиши унинг ишқ оламига киришига ишора. Тасаввуф адабиётида дашг – ишқ бепоёнлигининг рамзи ҳисобланади. Бундан Навоий ҳақиқий ишқ билан боғлиқ тушунчаларни табиат ва ундаги ҳодисалар орқали тўлақонли ёритиб бергани англашилади.

Мажнун сахрода гуллар билан сирлашади, ҳайвонлар билан тиллашади. Наботот ва ҳайвонот олами унга хайрихоҳ, дардига шерик бўлади. Мажнуннинг наботот ва ҳайвонот олами билан дўстлигини кўрсатиш орқали шоир оламнинг бир бутунлигини, ҳамisha шундай бўлиши лозимлигини эътироф этади.

Мажнун саҳрода Навфал билан танишиб, дўст тутинади. Йигитнинг олижаноблиги, борлиққа чексиз меҳр-муҳаббати Навфални лолу ҳайрон этади. Унинг хатти-ҳаракатларидан қаттиқ таъсирланиб, сеvimли машғулоти – ов қилишдан воз кечади, бошқаларни ҳам табиатни асрашга чорлайди:

Тарк айлади сайдга жафони,
Элга деди: “Ташланг ўку ёйни,

Ҳам итлингизни ташлангиз чувт
Ҳам итларингизни боғлангиз руств!”

“Лайли ва Мажнун” бетакрор рамзий асар бўлиб, шоир унинг бошланишидан охиригача табиатга муружаат этади, уни улуглайди.

“Хамса”нинг тўртинчи достони бўлмиш “Сабъаи сайёр” достонининг қолипловчи Баҳром ва Дилором ҳикоятида ҳам, мусофирлар тилидан айтилган ҳикоятларда ҳам табиат билан боғлиқ ҳолатлар тасвирланган. Ёр ишқида девона бўлган Баҳромнинг дардига даво топиш мақсадида етти рангдаги каср қурилади ва уларга етти иқлимдан гўзал маликалар келтирилади. Ҳар бир каср ранги осмон жисмлари – сайёраларнинг ҳукмронлигига монанд тарзда танланади ва безатилади. Асар сўнгида Баҳром яна Дилором васлига етишади, яна маишатга, овга берилади. Бир куни жуда катта ов ташкил этилади, улкан майдонда сонсиз қўшин ва ҳайвонлар тўпланади. Ов чоғи шаррос ёмғир қуяди, сон-саноксиз ҳайвонларнинг қони тўкилади. Бир замонлар ботқоқлик бўлиб, кейин ўтлоққа айланган майдон ёмғир ва дарё-дарё қонлар эвазига яна юмшайди. Эски ботқоқликнинг оғзи очилиб, Баҳром ва Дилоромни, арқони давлатни ер ютади. Асарнинг бундай якун топиши агар инсон ҳаддини билмаса, қай кўйга тушишига ишорадир. Бошқачароқ айтганда, инсон табиат қонунларига бўйсуниб яшаши керак, деган фикр унга сингдирилганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари “Сабъаи сайёр” асарида бешинчи иқлим йўлидан келган мусофир қизикарли бир ҳикоя келтиради. Унинг ҳикоятида табиат ходисалари воқеалар сюжетини очиб берувчи детал сифатида тасвирланади. Асар қаҳрамонлари Сухайл ва Меҳр бир - бирларини пинҳона севишарди. Икки мамлакатнинг шоҳлари ўзаро куда бқлишга келишишди. Фарзандларини унаштирадилар. Аммо икки мамлакатнинг ўртасида босиб ўтиладиган масофа денгиз орқали ўтган сув йўли ҳисобланади. Бу сув йўлида тез тез тўфонлар, бўронлар сув тошқинлари содир бўлиб турарди.

Ижодкор келтиришича табиатдаги турли воқеалар ишгирик етган асарда воқеалар жонли табиий акс этган бўлади.

Адиб келтиришича Беҳиштсаро яъни жаннатмисол мамлакатида Навдар исмли бир шоҳ бўлиб, унинг соҳибжамол қизи Меҳр ногаҳон денгизга сайёҳат учун канизлари билан чиқади. Бирдан кўтарилган бўрон Меҳр кемасини ҳалокатга учратди. Бу вазиятдан асарнинг салбий қаҳрамони қароқчи Жобир унумли фойдаланади. У сув ва курукликда ҳам денгиз тошқинларидан талофат кўрган ёрдамга муҳтож кемаларни талаб кун кечирарди.

Меҳрни бўрондан ҳалокатга учраганини эшитган Суҳайл кемасини шошилинч денгизга туширади. У ҳам денгизнинг тўлқинланиши ва тартибсизликлари сабабли қароқчи қўлига тушиб қолади. У Жобир билан курашиб асирга тушган Меҳрни Суҳайл қаҳрамонлик кўрсатиб қутқаради. Асар Навоийнинг бадиий сўз санъати маҳоратидан унумли фойдаланганлиги асар воқеаларининг якунида кўрсатишимиз мумкин. Асарнинг бадиий жиҳатини оширишда воқеалар кулиминацияси содир бўладиган макон денгиз бўлган. Табиат ҳодисаларидан бири ҳисобланган бўрон асарда воқеаларни қизғин тус олишига сабаб бўла олган деб ўтишимиз мумкин.

Шў ўринда таъкидлаш жоизки, табиатга нисбатан муносабатни шоирнинг икки асари мисолида солиштирсак, уларнинг бирида инсон табиат ва унинг неъматларидан оқилона фойдаланиб, унга азоб беришдан ўзини тийиши лозимлиги ҳақида хулоса қилган бўлса, иккинчисида эса айнан нафсга берилиб, ундан ортқча, яъни меъёрни билмасдан нооқилона фойдаланиш инсоннинг ўзини мураккаб бир ҳолга, охир-оқибат йўқликка олиб бориши кўрсатиб ўтилган. Ўқитувчи “Лайли ва Мажнун” ҳамда “Саъян сайёр” асаридаги воқеликларни ҳозирги кунга боғлаб тушунтириб берса, дунё муаммосига айланиб бораётган экологик маданиятни шакллантиришга ўзига хос ҳисса қўшган бўлади.

“Хамса”нинг якунловчи достони “Садди Искандарий”да ҳам табиат билан боғлиқ қатор ҳикоятлар келтирилган. Ушбу дoston қаҳрамони Искандар ҳамма нарсани билишга интилувчи, илмга ташна одил подшоҳ сифатида тасвирланган. Асардаги “Қиш чилласидаги ошиқнинг ошuftалиги” ҳикояти ҳамда “Қиш таърифида” ҳикматида шоир бадиий ниятини қиш фаслига хос хусусиятлар орқали ифодалайди. Искандар устози Арастудан “Қиш фаслида совуқнинг қаттиклигидан ва ёғингарчиликнинг кўплигидан одамлар қийналадилар. Шунга қарамай, нима учун халқнинг ёзга қараганда қишга рағбати зўр бўлади? Бунинг даҳшатини кўриб-билиб турган одамнинг табиати нега бундан чўчимайди?” дея сўрайди. Бунга жавобан донишманд устоз ёзда инсонлар ҳарорат ва курукликдан азият чекишини, қишда инсон танаси совуқлик ва мўътадил ҳаво туфайли дам олишини айтади. Қишнинг совуқ кунларида инсонлар ортқча югур-югурлардан холи бўлиб дам олишлари, узун қиш кечалари ширин

сухбатлар ила ўтказишлари, илм-маърифат ўрганишлари мумкин. Шу боис ҳам одамлар кишни кадрлайдилар. Шунингдек, асарда Искандар жаҳонгирликдан ташқари денгизни фатҳ этишга ҳам киришади. Олимлар билан маслаҳатлашиб, ер юзидаги моҳир усталарни йиғиб, уч минг кема курдиради ва денгизни фатҳ этишга киришади. Шоҳ донишманд Сукротдан нима учун ер юзини сув ўраб олгани, баҳри муҳит ҳар тарафдан ўраб олган бўлса-да, юр юзини сув босиб кетмаслигининг боисини сўрайди. Сукрот шундай жавоб беради: “Баъзи одамлар ер юзининг тузилиши баланд-пастликдан иборатдир, демишлар. Аслида эса тузилиш жиҳатидан ер юзи думалок бўлиб, бу фикр илм билан муқаррар исботланган. Ва лекин ер юзи текисликдангина иборат эмас, буни ҳар қанақа одам ҳам ўйлаб кўрса, тўғрилигига тан беради. Масалан, қачонки ёғиш орқасида сел келадиган бўлса, у тоғдан пастдаги водийларга қараб оқиб тушади. Мана шунинг ўзи ҳам оламнинг паст-баландлигини исботлайди. Илм эгалари ҳам бу фикрга қаршилик кўрсатмайдилар. Сув эса ҳар қачон чуқурликка қараб оқади, мана шу жиҳатдан ҳам баланд жойларда сув тўхтамайди ва кам бўлади”¹.

Искандар уммонни кезиб, унинг марказигача боради, шиша сандиқ ичида океан тубига тушиб, у ердаги ажойиботларни томоша қилади. Кўриниб турибдики, Искандар образи орқали Навоий дунёни билишга, табиат сир-асрорларидан воқиф бўлишга интилган, борликдан айро яшолмаган инсонни тасвирлайди.

“Бобурнома” - қомусий асар

Буюк бобокалонимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома” асарида биз уни ҳарб иши устаси, диний ва дунёвий билимларни эгаллаган нозиктаъб олим сифатида кашф этамиз. Шунингдек бу асари муаллиф бизни орқали Фарғона, Андижон, Марғилон, Ўш, Хўжанд, Самарқанд, Кобул, Ғазна, Ҳирот ва улар атрофидаги кенту қўрғонларнинг ўзига хос табиати, иқлими, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси, халқининг турмуш тарзи билан яқиндан таништиради.

Асарда ,Хуросон ва Мавроуннахрда юз берган кучли zilzilалар ва уларнинг келтирган жабрлари ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Бобур қаерга бормасин, ўша жойнинг табиатига катта эътибор қаратди, уларни ўз эсдаликларига қайд этишга ҳаракат қилди. Хусусан, Ҳиндистон бизнинг юртлардан тубдан фарқ қилишини алоҳида таъкидлар экан, шундай ёзади: “Ҳиндистон жуда катта вилоят, унинг латофати (яҳши жойлари) ҳам бор. У ерда олтин ва қумуш жуда кўп. Пашакаалда(ёмғир мавсумида) ҳавоси жуда яҳши бўлади. Баъзан бир кунда ўн, ўн беш ва йигирма марта ёмғир ёғадиган

¹ Навоий А. Садди Искандарий (насрга айлантирувчи И.Махсумов). – Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б. 234-235.

вақтлар ҳам бўлади. Ёмғир пайти бирпасда сел келади, мутлақо сув бўлмаган жойларда дарёлар оқа бошлайди(тошиб оқади). Ёмғир маҳаллари ёмғир ёғаётганида ва ёмғирдан сўнг ҳаво жуда яхши бўлади. Ҳаво бошқа пайтлари бундай мўътадил ва латофатли бўлган эмас. Камчилиги шундаки ҳаво жуда сернам бўлади. Пашакалда у ерларда ёй отиб бўлмайди, чунки тезда бузилади. Ёмғир фақат ёйгагина таъсир этиб қолмайди, балки зирх ва китоб, асбоб-анжом, кийим-кечак, сафар анжومي – ҳаммасига намгарчиликнинг таъсири сезилади. Иморатлар ҳам узок турмайди. Пашакаалдан бошқа киш ва ёз ойларида ҳам ҳаво яхши бўлади. Аммо ҳамиша шимол шамоли кўтарилиб туради. Чанг ва тупрок кўп кўтарилади. Бу ел йилига тўрт-беш марта – ёзлари савр ва жавзо ойларида – пашакаалга яқин жуда қаттиқ кўтарилади. Кўтарилган чанг ва тупрокдан биров-бировни кўрмай қолади, бун «аандий» деб айтадилар. Жавзо иссиқ келади, аммо ҳаддан ташқари иссиқ бўлмайди”¹.

Бобур ўзбек ва форс тилларидаги шеърларини тўплаб, иккита девон тузди. Унинг девонларига киритилган шеърларда ҳам табиат манзаралари ва тасвири муҳим аҳамият касб этади.

Огаҳий лирикасида табиат мавзуси

Огаҳий ижодида ўзи яшаётган зминнинг иқлими, табиати ва унинг кишилар ҳаётига таъсири ўз аксини топган.

Огаҳийнинг киш тасвирига бағишланган ғазалларида эса Хоразмнинг шу фаслга оид қурук ва изгиришли соғуғи ўз ифодасини топган. Шоир киш тасвирида ҳам анъанага содиқ қолади, киш халқ учун чинакам синов бўлиши, иссиқ бошпана, кийим-кечак ва озиқ-овқат билан боғлиқ қийинчиликларга сабаб бўлишини сатрларга жойлайди:

Совуқга бу киш ортиб шиддату кин,
Қочурди халқдин орому тамкин,

Агар бир ерда ўт кўрса бўлуб жамъ,
Улус атрофига ондоқки парвин.

Баданлар титрабон сиймоб ёнглиғ,
Исинмоқ бирла топмай ўтга таскин.

Юзи хўбларнинг ўлмиш нилуфардек,
Агарчи арғувондек эрди рангин...

Совуқ эл жисмин афгор айламакка,
Чикармиш оғзидин дандонаи син.

¹ Бобурнома (В.Раҳмонов ва К.Муллаҳўжасва тадбири). – Т., 2010.

Шунингдек, Огаҳий қаламига мансуб «Боғ», «Наврўз», «Совуқ» радиофили ғазаллар ҳам автобиографик характерга эғалиги, ҳам табиат мавзусига бағишлангани билан аҳамиятлидир.

Маърифатпарварлик адабиётининг етук намоёндалари Муқимий ва Фурқат ижодида ҳам табиат мавзуси етакчи ўринларда туради. Муқимийнинг “Навбахор очилди гуллар...”, Фурқатнинг “Фасли навбахор ўлди...” деб бошланувчи ғазаллари халқимиз қалбидан чуқур жой эгаллаб, маънавий меросига айланган. Муқимийнинг “Саёҳатнома”сида ҳам табиат манзарасининг бетақроп тасвирларини учратамиз.

Табиат лирикаси Чўлпон ижодида ўзига хос йўсинда талқин этилган бўлса, Ғафур Ғулوم, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Усмон Носир шеъриятида янгича мазмун-моҳият касб этди. Ижодкорлар табиат воситасида ранг-баранг туйғу ва кайфиятларни ифодалашга уриндилар.

Зулфия, Саида Зуннунова, Миртемир, Асқад Мухтор ва нисбатан кейинги давр ижодкорлари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон шеъриятида табиат лирикасининг бетақроп намуналарини кўриш мумкин.

Абдулла Қодирий, Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов ва бошқа носирлар ижодида ҳам сўз юритилаётган мавзу кенг ёритилган.

Усмон Азим табиат куйчиси

Ҳозирги ўзбек шеъриятида Усмон Азим шеърияти ўзига хослиги билан ажралиб туради. Шоир шеъриятида лирик қаҳрамон руҳияти аксар ҳолларда табиат билан уйғунликда ёритилади. Лирик қаҳрамон руҳиятида кечаётган ўйлар, рангин туйғулар табиат ҳодисалари орқали берилади. Бу, ўз навбатида, тасвир куюқлигини, шоир ижодий ниятининг асарга тўлақонли кўчишини таъминлайди, шеърнинг таъсир кучини оширади. Усмон Азим бутун бошли шеърлар тўшамини “Куз” деб номлагани ҳам бежиз эмас. Бу ҳақда шоир Эшқобил Шукур мулоҳаза юритар экан шундай ёзади: “Бир пайтлари «Кузги қатл» деган фильмни кўрган эдим. Қадимда Шарқ мамлакатларидан бирида олий жазо – ўлим жазоси фақат куз фаслида ижро этиларди. Фақат кузда! Қийик кўзли, бакувват бир йигит айни баҳор чоғи ўлимга ҳукм этилади. Қатл ижросига ҳали олти ой муддат бор. Йигит қандай бўлмасин, ўзининг беғуноҳлигини исботлашга, олий жазодан қутулиб қолишга ҳаракат қилиб кўпдан-кўп режалар тузарди. Атрофда баҳор. У қамқохонанинг торгина хужрасида фикрлайди, азоб чекади, қочишга уриниб кўради. Атрофда сўлим ёз.

Баҳор ва ёзнинг кунлари, ойлари шиддат билан ўтаверади. Йигитнинг ягона илинжи – ҳаёт ундан тобора узоқлашиб, тақдир ҳукми – ўлим тобора яқинлашиб келаверади.

Ниҳоят, куз келди! Бирдан вазият ўзгаради. Ўлимга маҳкум қилинган йигитнинг айбсизлиги исботланиб, уни озод қилишга қарор қиладилар. Бироқ, йигит энди ҳаётга эмас, балки ўлимга тайёр эди. У орадаги олти ой муддатда ўзини ҳаёт билан боғлаб турган барча ришталарни узиб ташлаганди. Балки, бу ришталарни Куз узиб ташлагандир. Нечоғли рутубатли азоблар ва машаққатлар, қайғулар ва аламлар билан кутилган Кузнинг ўзи сездирмасдан уни ўлимга тайёрлаган эди. Куз унинг устидан ҳукм чиқарди. Ҳукумат жазосидан озод этилган йигит энди яшай олмаслигини билади ва ўз жонига қасд қилади, у Куз ҳукмига бўйин эгади.

Чукур-чукур боқди оламга,

Минг бор ўлиб кўрган одамдай.

Шундай қилиб тугади эртак.

Кузда ҳамма ҳақиқатлар юзага чиқади. Бу табиат конуни. Бу оламда ҳамма нарсанинг ўз кузи бор. Ҳамма ўз кузини қутади.

Учсанг қирқ йиллик йўлдир

Юрсанг қирқ минг йиллик йўл...

Эртакнинг кўзлари хўл”.

“Жаннатмакон” журналининг 2007 йил 4-сонида эълон қилинган “Ҳар бир одамнинг илоҳий бир вазифаси борлигига ишонаман” номли суҳбатда “Ижодингизда, хусусан, шеърингизда табиат билан боғлиқ унсурлар жуда кўп учрайди. Ўқувчи шеърларингизни, фасллар билан, хусусан, куз фасли билан боғлиқликни кўради”, деган саволга Усмон Азим шундай жавоб беради: “Аллоҳ оламни мукамал ва гўзал қилиб яратган. Ўзининг ақлчасига ортиқча ишонганидан ҳадеб хато қилаверадиган инсон, табиатдан бошқа яна нимадан дарс олиши, ҳайратга тушмоғи мумкин? Табиатдаги мутаносиблик, бир дам ривожидан тўхтамайдиган тириклик, юракка юраклигини билдириб турадиган ранг-баранг латофат, ибтидо ва интихонинг кўз олдинда бетиним алмашиб туриши... Ҳайратга тушмай бўладими? Мен ўзимни баъзан бир баргдай ҳис қилган пайтларим бўлган. Яна бир жўшсам, дарахтлар билан сўзлаша оламан, деб ўйлаганман... Куз эса бошқа фасллардан кўра фожиалироқ”.

Усмон Азимнинг “Тазарру боғлари” ва “Боғлардан келган шеърлар” туркумлари истиқлол даври ўзбек поэтик тафаккуридагина эмас, жаҳон табиат

лирикасида янгича саҳифадир. Бу ҳақда адабиётшунос Т.Шермуродов шундай ёзади: “Усмон Азим илк бор шеърят нигоҳини борликқа бошқача қаратди. Унинг лиро-эпик қаҳрамони табиатнинг барча фасли, иқлими, ходисасига, наботот ва махлуқот оламига ҳидоятли мурожаат қилади. Ҳамма хилқат ва яратикда оят ва мўъжиза идрок этади. Тўртта фаслга бирдек муҳаббатли бўлади. Ўзни жамики гиёҳларга қариндош ҳисоблайди. Қалбда майса сасини сезади. Гулларни “қизим” деб эркалайди. Дарахтни “нима” деб эмас, “ким”лаб сўроқлайди. Улар билан тупроқдай гаплашади. Шовуллаган чинор билан иккиси тонггача суҳбат қуриб, алёрлар айтади. Тераклар – унинг меҳрибон укалари”¹.

“Куз” шеърый тўплами етти дафтардан иборат бўлиб, ундаги 381 та шеър “Севги”, “Боғлардан келган шеърлар”, “Тоғ ва дашт қўшиғи”, “Хотира парчалари”, “Баҳсларнинг давоми”, “Сукунатлар ва кичқириқлар”, “Тугамаган китоб” деб номланувчи етти дафтарга тақсимланган.

Шоирнинг 1994 йилда чоп этилган “Ғусса” номли шеърый тўплами аввалидан ҳам “Қиш” ва “Ёз” шеърлари ўрин олган. Бу шеърларда шоир табиатга жонли мавжудот сифатида қарайди. Шунингдек, тўпламдаги “Тазарру боғлари” туркумидаги шеърлар ҳам ўзбек шеъриятида муҳим ҳодиса бўлганини қайд этиш керак. Туркум “Қишки боғ”, “Баҳорги боғ”, “Ёзги боғ”, “Кузги боғ I”, “Кузги боғ II”, “Кузги боғ III” сингари бўлимлардан ташкил топган.

Хулоса қилиб айтганда, Усмон Азим шеърлари орқали инсон ва табиат ўртасида уйғунлик излади, инсон ҳаёти билан табиат ҳодисаларини муқояса қилди, муштгарак жиҳатларни кўрсатиш орқали одамларни она табиатни севишга, ардоқлашга, эъзозлашга даъват этди. У табиатдаги ҳар бир ҳодисадан илҳомланди, олам-олам маънолар кашф этди ва ўз топилмаларини бошқалар билан баҳам кўрди. Зеро, шоир таъкидлаганидек, табиат инсоннинг ўзини, ўзлигини англаш воситасидир:

Ёмғирни кўрмаган енгил куз –

Заъфарон рангларда дардланди,

Боғлари жимгина баргланди...

Сен – бунча кўнгил куз! Кўнгил куз,

Ғуссангда рух тиник шархланди.

Ҳавога хазонрез зар боғлар.

Кезаман. Сатрлар тўқийман.

¹Шермурод Т., Исмоил И. Усмон Азим ижодиёти. – Т., 2011. – Б. 199.

О, кунлар топ-тоза – ярақлар,
Мен кузни китобдай варақлаб,
Ўзимни ўқийман, ўқийман.

Табиат фидойиси

Чингиз Айтматов асарларида инсон ва табиат, инсон ва ҳайвонот дунёси муаммолари кенг ёритилган. Адибнинг деярли барча асарларида у қайси жанрга мансублигидан қатъи назар мазкур муаммо у ёки бу даражада қаламга олинади. Адиб 1970 йилда нашр этилган “Оқ кема” киссасидаёқ ўз истаклари, орзу-хаваси ва нафси қулига айланаётган инсоният табиатга шафқатсизларча муносабатда бўлаётганини кескин танқид қилган эди. “Шохдор она буғу” ҳақидаги эртак асар мазмун-мохиятини тўлақонли очишга хизмат қилган.

“Алвидо, Гулсари” киссасининг бош қаҳрамони Танабой жон таслим қилаётган оти Гулсарининг бошида туриб, бутун ўтган умрини ёдга олади. Унда бир гомондан, одамларда меҳр-окибат туйғуси танқислашиб, иккинчи томондан, инсон ва табиат ўртасидаги мувозанат бузилиб бораётганлиги ҳикоя қилинади. Қисса мутолааси жараёнида табиатни, ҳайвонот дунёсини асраш, келажак авлодларга соғлом ва асл ҳолида етказиш керак, деган хулосага келади.

Ёзувчи “Қиёмат” (“Кунда”) романида одамзот қисматини бўрилар дунёси билан уйғунликда ёритган бўлса, “Асрга татигулик кун” романида техника тараққиёти она табиат учун қанчалар хавф тугдираётгани ҳақида бонг урди. Ч.Айтматов ижодида она сайёрани, табиатни асраш мавзуси изчилликда ёритилди, асардан асарга ўтган сари тобора такомиллашиб, сайқаллашиб борди. “Охир замон нишонлари” (“Кассандра тамғаси”) романида муҳим ва долзарб муаммолар олдида ожиз қолган одамзот, ўйламай қўйилган қадамлар оқибатида рўй бериши муқаррар фалокатлар, келажакда қутилаётган фожиалар ҳикоя қилинади. Ёзувчи очарчилик, бедаво касалликлар, жумладан, СПИД, ўзаро урушлар, иқтисодий буҳронлар, ижтимоий қасирғалар, жиноятчилик, фоҳишабозлик, гиёҳвандлик ва наркомафия, элатлараро қирғинлар, ирқчилик, экологик, энергетик ҳалокатлар, ядро синовлари, қора туйнуқлар ва ҳоказоларга инсониятнинг ўзи сабабчи экани, агар уларнинг ўз вақтида олди олинмаса, оқибати даҳшатли бўлиши мумкинлиги ҳақида огохлантиради. “Чўққиди қолган овчининг охи-зори” суҳбат-асарида козоқ шоири ва арбоби Мухтор Шохонов ёзувчига қуйидаги мулоҳазалар билан мурожаат этади: “Кассандра тамғаси” романингизда бирор-бир мантиққа амал қилмаган китлар номаълум сабабларга кўра ўзларини қирғоққа уриб, муқаррар ҳалокатга гирифторм бўлганини бир неча ўринларда атайлаб такрорлагансиз. Сайёраимиздаги энг

улкан махлуқлар ўзларини ўзлари ўлдирдилар. Бунинг муайян сир-асрори бор. Бироқ зукко китобхон англайдики, инсоният келажаги хавф остида турибди, бир-бирларига нисбатан ёвузликни соғинаётган одамларга эътироз билдирилмоқда.

Эсимда, сиз ёзган эдингизки, Ерда биологик алоқалар арзимас даражада бузилса ҳам – бас, Инсон – Куёш – Кoinнот ўртасидаги яхлитлик пугурдан кетади. Қиёмат куни келиши учун атом бомбаларни портлатиб юбориш ёки дунёни сув босиши асло шарт эмас. Қушлар галаси йўлдан адашса, китлар оммавий равишда ўзларини ўзлари ўлдирса, ахир қиёматнинг бундан ортик нишонаси бўладими?!”

Бу саволга Чингиз Айтматов қуйидагича жавоб беради: “Табиатда ортиқча нарсанинг ўзи йук. Одатда, биз Ердаги энг ақли расо мавжудот деб ҳисоблайдиган инсондан (бу масала хийла мунозарали) токи тубан даражада ривожланган курт-қумурсқаларгача – ҳамма-хаммаси жонли табиатнинг тенг ҳуқуқли аъзоларидир. Уларнинг бирлиги ва ўзаро алоқалари буюк биологик тизимни вужудга келтиради. Бу тизимнинг бирорта мурвати ишдан чиқса, бехато фаолият кўрсатадиган тизимнинг бутун бир қатори бузилиб кетади. Масалан, денгиз соҳилида жойлашган битта шаҳарда, балиқчи қушлар ҳаддан ташқари мечкай бўлиб қолишди – улар балиқни кўп истеъмол қилишяпти, шу боис қушларни кириб ташлаш керак, деган тўхтамга келадилар. Қушларни кириб ташлайдилар. Бироқ, орадан бир оз фурсат ўтгач, қандайдир юқумли касаллик тарқалади. Маълум бўлишича, қушлар асосан касалманд, мадори қуриган балиқларни тутиб ер эканлар ва шу йўсинда сув ҳавзасини табиий равишда дезинфекция қилиб турар экан. Демак, балиқчи қушлар амалда санитар вазифасини бажарадилар”¹.

Ч.Айтматов “Абадий каллик” (“Тоғлар қулаётган замон”) номли сўнгги романида муаммога шоу-бизнес ва бизнес олами вакиллари ҳаёти мисолида мурожаат қилди. Романда ёш мустақил давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги муаммолари, “оммавий маданият”нинг инсонлар маънавиятига кўрсатаётган зарарли таъсири, маънавий қашшоқлик, пулга сиғиниш каби иллатлар қаламга олинади. Бир сўз билан айтганда, бу асар инсониятнинг глобаллашув жараёнларидаги қисматидан ҳикоя қилади. Мазкур асарда бир бурж юлдузлари остида дунёга келган, астрологик жиҳатдан ўзаро боғлиқ, қардош бўлган икки мавжудот – Арсен Саманчин билан йирткич Жаабарс тақдири, қисмати бир-бирини қайсидир маънода тўлдиради. Асар сўнггида эса Арсен ва Жаабарс ўлади. Бундай хотима инсон ҳеч қачон табиатдан аро яшай олмайди, деган рамзий маънони билдиради.

¹ Чўққида қолган овчининг охи-зори. Айтматов Ч., Шоҳонов М. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 147.

Тарихий манбаларда

Мамлакатимиз ва минтақа давлатлари ҳудудларида юз берган ғавқулда вазиятларнинг бир тури – ер силкиниши ҳамда уларнинг даҳшатли оқибатлари ҳақида тарихий манбаларда айрим маълумотлар учрайди. Масалан, мамлакатимиз ҳудудида ер кимираши ҳақидаги дастлабки маълумотни Абу Саид Гардизийнинг “Китоби Зайнал-Ахбор” асарида учратиш мумкин. Унда: “224 (838-839) йилда Фарғонада кучли zilзила натижасида кўплаб иморатлар вайронага айланди”, деб ёзилган. Хуросонлик машхур тарихчи Жувайнийнинг “Жаҳонгир Чингизхон тарихи” асарида 1208 йил Хоразм вилоятида юз берган кучли zilзила натижасида кўплаб иморатлар бузилиб, унда 2000 киши ҳалокатга учраганлиги, ҳатто бу ер силкинишининг кучли бўлганлиги сабабли Урганчнинг бир қисми Амударёга чўкиб, шаҳар вайронага айланганлиги ҳақида маълумот mavjud.¹

Муҳаммад Тохир ибн Абдул Қосимнинг “Ажойибот Табокат” асарида 1620 йилда Ахсикент шаҳрида юз берган кучли ер кимираши ҳақида ёзилади. Унда: “... шундай кучли ер кимирадики, ҳатто дарёнинг сувлари қирғоқларга урилиб (Сирдарё), атрофдаги бугун даштга босиб кетди. Қирғоққа чиқариб ташланган балиқлар ўзларини ҳар томонга уриб ҳалок бўлди. Дарахтлар кулай бошлади. Кучли тебраниш уйларни бир зумда теп-текис қилди ва кўплаб одамлар ана шу вайроналар тагида қолиб кетди. Бу воқеа олти ойгача давом этиб, кучли тебранишлар сони 70 тагача етди. Шуниси қизиқ-ки, энг даҳшатли тебраниш Аҳси қалъасида бўлди, ундан бир фарсанг (8 км) масофада zilзила кучи деярли сезилмади.”²

Тарихда “Аҳси zilзиласи” номини олган бу турдаги табиий офат кучи ҳақида мутахассислар МШК шкаласи бўйича 9 балл ва унинг тебраниш ўчоғи ер юзаси қисмида бўлган, деб хулоса қилинган.

Муҳаммад Ёқуб ибн Муҳаммад Даниалбий “Гулшан ал - Мулк” қўлёзма асарида 1797-1798 йилда юз берган ер силкиниши ҳақида Самарқанд яқинидаги Ургут қўрғонидаги бинолар шунчалик вайронага айланганки, “... ҳатто ярим сир (1600 гр.) келадиган бир бўлак девор кесагини топиш амри маҳол” деб, ёзади.

Республикамиз ҳудудида юз берган кучли zilзила ҳақида Н.В.Ханиковнинг 1843 йилда нашр қилинган “Бухоро хонлиги тўғрисида” ги асарида 1821-1822 йилларда Бухорода юз берган кучли zilзила ҳақида маълумот учрайди. Ҳатто бу ер тебранишининг кучи Самарқандга етиб

¹ Иброҳимов Р. “Солномалар ҳикояси”// “Фуқаро Муҳофаза си” журнали, 2002й. №1, 28 - бет

² Иброҳимов Р. “Солномалар ҳикояси”// “Фуқаро Муҳофаза си” журнали, 2002й. №1, 28 - бет

² Ўша манбада, 28 - бет

борганлиги ва Мирзо Улугбек мадрасаси минорасини вайрон қилганлиги ҳақида айтиб ўтилган.¹

Бундай дахшатли воқеалик ҳақида маълумот Муҳаммад Ҳакимхон Тўранинг “Мунтахаб ат-таворих” кўлэзма асариди ҳам учрайди. Унда 1822-1823 йилларда Фарғонада бўлган кучли zilзила ҳақида шундай ёзиб қолдирилган: “бундай дахшатни асрлар бўйи ҳеч ким кўрмаган ва сезмаган. Иморатлар бузилиб, кўп кишилар харобалар тагида қолиб ҳалок бўлди. Аҳоли қамишлардан капалар ясаб яшади, тоғда эса кўп оилаларни ер ютди. Ер ёрилиб, у ердан кучли товуш билан қоп-қора буғ отилиб чиқди. Ариқлардаги сув бўлса, қондагидек қайнаб, ҳар томонга тошиб кетди. Тебраниш ва силкинишлар 6 ой давомида бир неча кунлаб қайталаб, такрорланиб турди.”²

Тарихда “Андижон фожиаси” номи билан қирган ер силкиниши Республикамиз худудиди юз берган энг катта ва кучли табиий офат ҳисобланади. У 1902 йил 3 декабрда содир бўлган ва Андижон шаҳрини вайронага айлантирган. Ҳатто темир йўл устида турган вагонларни ағдариб юборган. Темир йўллар эгилиб, жойларидан кўзголиб кетган. Адирлардаги ерлар ёрилиб, у ердан нефть, газ ва сизоб сувлар бир қанча вақт отилиб чиқиб турган. Зилзила натижасиди 50 минг киши яшайдиган Андижон шаҳри бир неча дақиқада вайронага айланган. 4652 киши ҳалок бўлган, 7000 га яқин қорамол нобуд бўлган.

Бу воқеани бошидан кечирган шоир Адойи уни шундай тасвирлайди:

Тебраниб кўп ер, кўнгилга қўйди юзин доғлар,

Қолмади айвони, айвон ром ила равоқлар.

Лоакал қолмади иморат тарихидан ўчоқлар,

Сочиб бошига надоматдан ҳамма тупроғлар.

Оломон ёраб на бу, на замон бўлди дариг!

Ҳалқ мақолларида экологик қарашлар

Сувга тупурма, гуноҳ бўлади

Халқимиз ҳаётида қадимдан сув ўзига хос ривожланиш, тараққий этиш бошқача айтганда, иқтисодиётнинг муҳим омили бўлиб келган. Шу билан бирга у поклик, софлик рамзи ҳам ҳисобланган. Шунинг учун ҳам унга ҳар қандай нарсани ташлаш қатъий тақиқланган. Иккинчи, томондан сувга тупуриш ман этилган. Чунки инсонда мавжуд бўлган касалликлар тупуриш орқали сувга тушиши, ундан эса одамлар истеъмол қилиши ва улар ҳам касалланиши мумкин, деб билинган.

¹ Уша манда, 29 - бет

² Иброхимов Р. “Солномалар хикояси”// “Фуқаро Муҳофазаси” журнали, 2002й. №1, 28 - бет

Сердарахт қишлоқни сел олмас

Маълумки, юртимизнинг жанубий ҳудудлари тоғлиқлардан иборат бўлиб, сел ва сув тошқинлари хавфи ҳамيشа кишилар ҳаётига таъсир этиб келган. Шу сабаб сув тошқинлари, сел ҳамда кўчки хавфларидан муҳофазаланиш мақсадида кўплаб дарахтлар экишган. Халқимиз орасида қадимдан амалга ошириб келинган бу тажриба ҳозирги кунда давом эттириб келинмоқда.

Синч уйим тинч уйим

Маълумки, юртимизда азалдан Ер силқинишлари юз бериб, кишилар ҳаётига хавф солиб турган. Улар эса халқимиз орасида ўзига хос иморатсозлик маданиятини ривожлантиришга ҳам сабаб бўлган. Бундай хавфдан муҳофазаланишнинг энг самарали усулларида бири ёҳочкор, яъни синчли ўйлар қуришдан иборат бўлган. Синчли ўй маълум даражадаги ҳам горизонтал, ҳам вертикал Ер силқинишларига бардош берган.

Қамишли ўйда илон бўлмас

Юртимизда ҳар бир фасл ўз ҳукмини тўла ўтказа олади. Ўрта Осиё киши қаттиқ совуқ, ёғинли-сочинли. Ёзи эса иссиқ. Қуруқ, аридли ҳудуд. Қишда кўплаб юқумли касалликлар йўқ бўлса, ёзда бу касалликларни кўпайиш эҳтимоли ортади. Шунингдек, айнан шу касалликларни ташувчи ҳамда захарли ўрмалаб юривчи жонзотлар ҳам кўпаяди. Бундай жонзотларни ўйларга танда қурмаслиги учун, иморатни ёпишда қамиш ишлатишган. Чунки қуриган қамиш барглари ўткир олмадек кесувчига айланади.

Иссиқ кунда иссиқ чой ич

Куннинг жазирамасида муздек сув ичишни ота-боболаримиз тавсия этишмаган. Эрталаб келган шаҳзодага сув тутган қиз, унга сомон, сепаб берганлиги ҳақидаги хикоя ҳам бекорга айтилмаган. Чунки иссиқ кунда инсон организмда ортиқча сув чиқиб кетиши юз бериб, инсоннинг сувга бўлган эҳтиёжи ортади. Уни эса муздек сув билан эмас, балки иссиқ чой билан қондириш керак. Негаки, инсон организми, яъни унинг танасидаги иссиқлик билан у ичадиган сув ҳарорати ўртасида кескин фарқ мавжуд. Бу фарқ муздек сув истеъмол қилган сайин ўз таъсирини кўрсатади. Шамоллаш ва бошқа касалликлар пайдо бўлади. Шунинг учун қадимда ота-боболаримиз иссиқ кунда кўпроқ иссиқ чой ичишган. Ҳозирги турли салқин ичимликлар кўпайган бир пайтда уни муздек ичиш тавсия этилмайди.

Ойнинг ҳам юзида доғи бор

Ой сиртидаги кратерлар, бизга қора доғ бўлиб кўринади. Ойни аждодларимиз гўзаллик тимсоли, деб билишган. Айниқса, гўзал қизларга кинес беришда буни кўриш мумкин.

Бенуқсон инсон бўлмайди. Бу идеал деб ўйлаган кимсаларда ҳам кичик камчиликлар бўлиши мумкин.

Ақилли қария – оқиб турган дарё.

Халқимиз орасида қариларга нисбатан юксак ҳурматда бўлиш уларни эъзозлаш, юксак инсоний фазилатлардан бири бўлиб келган. Айниқса, ўзининг сўзи, ҳаётини тажрибаси, ибрати билан ёшларга ўрнак бўлиб, уларни яхшиликка ундовчи, тўғри йўл кўрсатувчи доно қарияларимизни оқиб турган дарёга ўхшатишган. Ҳолбуки, оқиб турган дарё ҳаётнинг давомийлигига, инсоннинг фазилатларига ишорадир.

Баҳор келса, сув тошар, Меҳнат ҳам ҳаддан ошар.

Баҳорнинг қандай келиши кишиларнинг йил давомида ризқ – рўзининг дастурхоннинг кут баракали бўлишини, юрт фаровонлигини белгилаб беради.

Баҳорда сув тошиши, селлар бўлиши қадимдан маълум. Одамлар эса сувлардан унумли фойдаланишга, ортиқча сувларни хавфсиз ўтказиб юборишга, экин далаларию, боғу - роғларни вайрон бўлишини олдинки олишга ҳаракат қилганлар. Шунинг учун ҳам баҳор фаслида кўпроқ меҳнат қилинган.

Бир киши ариқ қазир,
Минг киши ундан ичар.

Бирлашган дарё бўлар, Тарқалган ирмоқ бўлар.

Халқимиз орасида бирлик, жамоа бўлиб, тинч – яшаб келиш ғояси ҳамидна устун бўлган. Жамоа бўлиб яшашда табиат ходисалари кўпроқ сабабчи бўлган. Бироқ, жамоадан ажралиб чиқишга интилганлар ҳам, уни менсимай ўзга кибр тўнини кийганлар ҳам, ўзларини устун қўйиб, мағрурлик отига

мигнлар ҳам бўлган. Шу сабаб жамоага бир фикрда бир ўйда бўлиши мақсадида яшяшган.

Дехқончилик – сув билан тирик.

Дунёнинг қайси бир гўшасида бўлманг, ҳаёт рамзи бўлган яхшилиқ, боғу – роғлар серҳосил деҳқончилик, ҳаёт фаровонлиги, юрт ободлиги сув билан. Ҳолбуки, биз умр узаронлик қилаётган минтақа халқи, турмуш тарзи, ҳаёт даражаси сув билан боғлиқ. Осмонингни ўзинг бил.

Оқар сувнинг ҳароми йўқ.

Азалдан сув халқимиз ҳаётида софлик тимсоли бўлиб, уни доимо пок саклашга, сув ўзанларини тозалаб, турли хилдаги чиқиндиларни ёки бошқа нарсаларни ташлашга йўл қўймаганлар. Чунки бу дарёлар ариқ ва каналлар ҳамиша тозаланиб, ундан сув истеъмол қилганлар. Ҳолбуки юртимиз иқлими турли хилдаги юкумли касалликларни пайдо бўлишига асосий омиллардан бири бўлган. Шу сабаб ҳам ушбу мақол қўлланган бўлса ажаб эмас.

Сойда ётма, сел олар,

Қирда ётма, ел олар.

Аждодларимиз томонидан айтилган ушбу ибора, азалдан сув тошқинлари ва селдан муҳофазаланиш ҳамда қирда доимо шамол эсиб, кишини шамоллашдан ҳимояланиш мақсадида ишлатилган бўлса керак. Зеро юртимизда 1000 га яқин сел келиш жойлари, айрим ҳудудларда шамол даврининг узоқ вақт давом этиши эътиборга олинса бу иборанинг аҳамиятини шунча кўп англаймиз.

Хулоса ўрнида

Қадим алломалардан бири ҳар қандай тасодиф ёки воқелик сабабсиз бўлмайди, дейди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Бугун инсон табиатга нисбатан бунчалик эътиборсиз бўлмаганида эди, унинг ҳодисалари олдида, балки бунчалик ожиз бўлмаган бўлур эди. Унинг неъматларию, эҳсонларини авайлаб асраганида эди, инсон бугун унинг олдида бунчалик тиз чўкмаган, у келтираётган ташвишлар олдида ўзини йўқотмаган бўлур эди.

Ушбу услубий қўлланмада табиат ва инсон уйғунлиги ғоялари илгари сурилган. Ҳолбуки, Президентимиз И.Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” номли асарида табиатнинг устидан инсоннинг ҳукмронлик қилишга бўлган уриниши оғир оқибатларга олиб келганлигини таъкидлаб ўтган эдилар. Бугун ёшларимизни маънавий тарбиясидаги таркибий қисмлардан бири табиатни эъозлаши ҳамда авайлаб-асраши лозим. Акс ҳолда, инсон кўп нарса йўқотиши ва уни қайтариб олиш имкони бўлмасиги мумкин. Услубий қўлланмада бадий образлар, мақол ва иборалар орқали уни авайлаб-асраш ғояси илгврисурилган.

Адабиётлар рўйхати

1. И.Каримовнинг “Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари ” Тошкент. 1997 й.

2.Навоий А. Садди Искандарий (насрга айлантирувчи И.Махсумов). – Т.:

Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. – Б

3.Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи, 1990. – Б

4. Иброҳимов Р. “Солномалар ҳикояси”// “Фуқаро Муҳофаза си ”
журнали, 2002й. №1, 28 - бет

5. Ойбек. Навоий гулшани. – Т., Фан, 1967

6. Чўққида қолган овчининг охи-зори. Айтматов Ч., Шохонов М. – Т.:

Шарқ, 1998

7.Шермурод Т., Исмоил И. Усмон Азим ижодиёти. – Т., 2011

8. Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: Фан, 1986. – Б..

9.Наврўз. Услубий қўлланма (Тўплаб, нашрга тайёрловчи Г.Ибрагимова).
– Т., 2010. – Б.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
Кўк ёл бўри ва ўғуз ўгли хикояси.....	5
Халқ кўшиқларида табиат мавзуси	6
Рабғузийнинг “Қиссаси Рабғузий” асарида табиат тараннуми.....	8
Маросим фольклори ва табиат.....	10
Мумтоз адабиётда табиат тасвири.....	15
Алишер Навоий асарларида табиат ва инсон уйғунлиги масаласи	16
“Бобурнома” - қомусий асар.....	21
Огаҳий лирикасида табиат мавзуси.....	22
Усмон Азим табиат куйчиси.....	23
Табиат фидойиси	26
Тарихий манбаларда.....	28
Халқ мақолларида экологик қарашлар.....	29
Хулоса.....	33
Адабиётлар рўйхати	34

«BROK CLASS SERVIS»

1	1
2	2
3	3
4	4
5	5
6	6
7	7
8	8
9	9
10	10
11	11
12	12
13	13
14	14
15	15
16	16
17	17
18	18
19	19
20	20
21	21
22	22
23	23
24	24
25	25
26	26
27	27
28	28
29	29
30	30
31	31
32	32
33	33
34	34
35	35
36	36
37	37
38	38
39	39
40	40
41	41
42	42
43	43
44	44
45	45
46	46
47	47
48	48
49	49
50	50
51	51
52	52
53	53
54	54
55	55
56	56
57	57
58	58
59	59
60	60
61	61
62	62
63	63
64	64
65	65
66	66
67	67
68	68
69	69
70	70
71	71
72	72
73	73
74	74
75	75
76	76
77	77
78	78
79	79
80	80
81	81
82	82
83	83
84	84
85	85
86	86
87	87
88	88
89	89
90	90
91	91
92	92
93	93
94	94
95	95
96	96
97	97
98	98
99	99
100	100

Адади 100 нусха. 2,25 б/т. Бичими 60x84 ¹/₁₆
«Times New Roman» гарнитураси. Офсет усулда босилди.
«BROK CLASS SERVIS» Босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳар Заргарлик кўчаси, Сегизбоева 10а.